



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ

Қ А Р О Р И

№ 1001

2022 й. "24" сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши  
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни  
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамроқулов) ҳамда Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништиради, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк раиси**



**М.Б. Нурмуратов**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2022 йил “24” сентябрдаги  
21/8 - сонли қарорига  
10 – илова  
№ 1001

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида  
коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг  
самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш**

**УСЛУБИЁТИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида, унинг худудий бош бошқараларида ва тасарруфидаги ташкилотларида (кейинги ўринларда - Марказий банк тизими) коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

2. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат (кейинги ўринларда – мониторинг, назорат) қилиш Марказий банк тизимида коррупцияга қарши комплаенс-назорат функциясини амалга оширувчи таркибий тузилма ёки масъул шахс (кейинги ўринларда - ички назорат тузилмаси) томонидан амалга оширилади.

3. Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Марказий банк тизимидаги фаолиятнинг коррупцияга қарши қонунчилик, ички меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилишига эришиш;

коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизимини такомиллаштириш;

коррупцияга қарши ички норматив ҳужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

коррупциявий хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилишини таҳлил қилиш;

коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларини бажарилишини ўрганиш;

аввалги мониторинг натижалари, коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари ва бошқа назорат тадбирлари доирасида берилган тавсиялар бажарилишини таъминлаш.

4. Ушбу Услубиёт мақсадларида Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсатида белгиланган атамалар ҳамда қуйидаги асосий тушунчадан фойдаланилади:

**релевант хабар** - Марказий банк тизимдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлган ахборот.

## **II. Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари**

5. Мониторинг қуйидаги асосий йўналишларда ўтказилади:

коррупцияга қарши тизимнинг актуаллиги, унинг қонунчилик ҳамда халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

оммавий ахборот воситаларида ходимлар ва контрагентларга тегишли коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборотнинг мавжудлиги мониторинги;

ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик, ички тартиб-қоидалардан хабардорлиги мониторинги.

6. Назорат қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;

коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.

7. Мониторинг ва назорат тадбирлари ички назорат тузилмаси томонидан зарур ҳолларда, ваколатли мутахассслар жалб қилинган ҳолда амалга оширилади.

## **III. Мониторингни ўтказиш тартиби**

8. Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг актуаллиги, унинг қонунчилик ҳамда халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторингини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги, ваколатли органларнинг талаблари (Миллий кенгаш қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг кўрсатмалари) ҳамда халқаро ташкилотлар тавсияларидаги ўзгаришлар кузатиб борилади.

Заруратга кўра, Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, ички идоравий ҳужжатларни ўзгартириш, янги ҳужжатларни қабул қилиш ёки амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Марказий банк бошқаруви муҳокамасига киритилади.

9. Оммавий ахборот воситаларида ходимлар ва контрагентларга тегишли коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборотнинг мавжудлигини мониторинг қилишда очик маълумотлар ҳамда алоқа каналлари орқали келиб тушган релевант хабарлар ўрганиб борилади, заруратга кўра хизмат текшируви ўтказилади.

10. Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик, ички тартиб-қоидалардан хабардорлигини мониторинг қилишда мазкур услубиётнинг 1-иловасида кўрсатилган тартибда ўтказилади. Бунда, танлов асосида мониторингда иштирок этувчи ходимлар белгилаб олинади, саволлар рўйхати (шу жумладан, кейслар, тест ва бошқалар) тузилади ҳамда синов натижасига кўра, ходимларнинг қонунчилик ва ички тартиб-қоидаларни тушуниб етиши, уларга риоя этишдаги муаммоларни биргаликда муҳокама қилинади.

11. Мониторинг ва унинг натижалари 2-иловага мувофиқ шаклдаги журналга қайд этиб борилади.

#### **IV. Назоратни амалга ошириш тартиби**

12. Марказий банк тизимида қабул қилинган коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси ҳамда коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга ходимлар томонидан риоя этилиши устидан назорат олиб борилади.

13. Назорат фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда юзага келиши мумкин бўлган коррупцион хавф-хатарлар инobatга олинган ҳолда Марказий банкнинг назорат функциялари, лицензиялаш ва рухсат бериш фаолияти, харидларни ўтказилиши, ходимларнинг таъқиқлардан сақланиши ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, кадрлар билан ишлаш ва бошқа йўналишларда олиб борилиши мумкин.

14. Назоратни амалга оширишда ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш натижалари асосида турли йўналишлардаги жараёнлар акс эттирилган режа шакллантирилади. Зарур ҳолларда, коррупцион хавф-хатар даражаси ўзгарганда ёки ўз долзарблигини йўқотганда Марказий банк раҳбарияти, таркибий бўлинмалар билан келишилган ҳолда режага ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши мумкин.

16. Қуйидаги ҳолларда режадан ташқари назорат ўтказилиши мумкин:

Марказий банк раҳбариятининг топшириғига кўра;

бошқа назорат тадбирлари (текширувлар, ички аудитор натижалари) давомида коррупциявий хавф-хатарлар аниқланганда;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик аломатлари ёки манфаатлар тўқнашуви ҳақида ахборот келиб тушганда.

17. Назорат тадбирлари коррупциявий ҳаракатларнинг индикаторларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган бўлиши керак, улар доирасида қуйидаги тартиб-таомиллар ҳам амалга оширилиши мумкин:



шартнома шартлари бўйича қабул қилинган товарлар (иш, хизмат) билан бирламчи ҳужжатларни, шунингдек миқдор ва сифат кўрсаткичларини солиштириш;

контрагентни ёки номзодни ўрганиш натижалари тўғри қайд этилганлиги, таҳлил қилиш учун тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлиги, шунингдек, шартнома ва сўровномада қайд этилган маълумотларнинг очик манбааларидаги маълумотларга мувофиқлигини ўрганиш;

саволлар юзасидан қўшимча маълумот ва изоҳлар олиш учун ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва бошқалар.

18. Назорат тадбирлари якунида маълумотнома тузилади. Маълумотнома кириш, тавсифловчи ва якуний қисмларни ўз ичига олиши лозим. Бунда:

кириш қисмида – назоратнинг бошланиш ва тугалланиш саналари, назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати, масъул бўлган шахслар рўйхати;

тавсифловчи қисмида – танлов усули ва ҳажми, аниқланган қоидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, уларнинг сабаблари;

якуний қисмида – коррупцивий хавфхатарнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса, қонунчилик ва ички ҳужжатлар бандларига ҳаволалар, аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар қайд этилиши, шунингдек маълумотномага тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳаволалар ва кўчирмалар нусхалари (иложи бўлса) илова қилиниши керак.

Назорат натижалари Марказий банк раҳбариятига тақдим этилади ҳамда 2-иловага мувофиқ шаклдаги журналга ёзув киритилади.

## **V. Якуний қоидалар**

19. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

20. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш, амалга оширилган ишлар ҳақида ички назорат тузилмасига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун Марказий банкнинг таркибий бўлинма раҳбарлари шахсан жавобгардир.

**Департамент директори**



**Ш. Қуватлиев**

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк тизимида  
коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини  
мониторинг ва назорат қилиш услубийётига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги қонунчилик ва ички тартиб-қоидалардан хабардорлигини мониторинг қилиш тартиби**

Т/р	Текширув йўналиши	Текширув тадбирлари
1.	<p>Ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларига, коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилиш масалалари бўйича тренинглар (онлайн, офлайн) ўтказилишининг мониторинги</p>	<p>Тренинглар мунтазамлиги, уларни мазмуни ва қатнашувчи шахслар қисми бўйича ички талабларга риоя қилинишини назорат қилиш.</p>
2.	<p>Қоррупцияга қарши қурашиш тамойиллари ва тартиб-таомиллар талабларини билишини текшириш</p>	<p>Ходимлар томонидан коррупцияга қарши қурашиш тренинглари доирасида ўтказиладиган тест ёки бошқа назорат тадбирларидан ўтишлари натижаларининг таҳлили; Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат билан имзо қўйдирилган ҳолда мажбурий тарзда таништирилганлигини текшириш; Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларнинг билишини танлов асосида текшириш: а) текширувда қатнашиш учун ходимларни танлов асосида аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг энг кам сони - турли таркибий бўлинмалардан турли лавозимларни эгаллаб турган кишилар сони – 6 нафар); б) ички ҳужжатларда қўрсатилган коррупцияга қарши талаблар ва нормалар бўйича (муайян вазиятда вазифа – кейсларни ҳал қилиш билан) саволлар рўйхатини тузиш (саволларнинг энг кам сони 10 та, улар тест форматида, очиқ саволлар шаклида ёки бошқача усулда тузилиши мумкин); в) жавоблар/қарорларни тақдим қилишлари учун танлаб олинган ходимларга назорат саволларини юбориш; г) натижаларни таҳлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни тушунишда қийинчиликларни муҳокама қилиш.</p>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида  
 коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самардорлигини  
 мониторинг ва назорат қилиш услубиётига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самардорлигини  
 мониторинг ва назорат қилиш  
 ЖУРНАЛИ**

T/p	Мониторинг / тадбир тури	Чора-тадбирларни мониторинг қилиш даврийлиги (ҳар чоракда/ҳар ярим йилда/ доимий)	Мониторинг / назоратни ўтказиш санаси	Кузатувни тафсилоти	Коррупцияга қарши курашиш тизимини тўғрилаш чоралари	Масъул ижрочи	Тўғриланадиган чора-тадбирларнинг ижро мuddаги	Ижро ҳолати
<b>Коррупцияга қарши курашиш тизимининг етарлигини баҳолаш</b>								
1.	Идоравий коррупцияга қарши тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги	Доимий равишда						
<b>Коррупцияга қарши курашиш самардорлигини баҳолаш</b>								
2.	ОАВ мониторинги	Доимий равишда						
3.	ҳодимларнинг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги	Ҳар ярим йилда						
4.	Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат	Ҳар чоракда						
5.	коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат	Ҳар чоракда						